



# КИШЛОК ЖАДЕТИ

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1999 йил 18 ИЮНЬ. жума, № 43 (5.999). Сотувда эркин нархда

БУГУНГИ СОНДА:

1-2-саҳифалар

Ўзбекистон — XXI аср  
бўсағасида

1-3 саҳифалар

Адашганлар фожеаси

4-саҳифа

Шаҳзода ва канизак қиссаси



## ПРЕЗИДЕНТНИНГ СУРХОНДАРЁ САФАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримов мамлакатимизнинг жанубий вилоятларида ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёнининг бориши билан яқиндан танишиш мақсадида 17 июнь куни Сурхондарё вилоятига ташриф буюрди. Давлатимиз раҳбарини Термиз аэропортида Сурхондарё вилояти ҳокими Ж.Норалиев кутиб олди.

Президентимизнинг Сурхондарёга сафари Ўзбекистон-Афғонистон чегарасидаги «Айритом» божхона мажмуи билан танишишдан бошланди. Йулбошимиз мамлакатимизнинг жанубий сарҳадларида узининг ҳарбий бурчини ўтаётган йигитлар билан суҳбатлашди. Чегара истеҳкомининг жойлашуви, аскарларнинг ҳарбий-жанговар тайёргарлиги даражаси ва яшаш шароити билан танишди. Бу борадаги ишларни янада такомиллаштириш учун зарур курсатмалар берди.

Шундан сўнг Президент Ислоом Каримов Жарқурган тумани «Сурхон»

ширкатлар уюшмасига қарашли «Улугбек-2» фермер хўжалиги галлазорларини куздан кечирди. Хўжалик аъзолари Юртбошимизга бу йил далаларга экилган «Полвчанка» навли бугдойнинг ўзига хосликлари, ҳар гектар ердан ўртача 45 центнердан ҳосил олишни мўлжаллаётганликлари, санацияга тушганига қарамай, хўжалик жорий йилни катта даромад билан яқунлашни режалаштираётгани тугри-сида сўзлаб бердилар.

Президентимиз вилоятда галла уруғчилиги масалалари устида жиддий иш олиб бориш, бу борада асосий эътиборни деҳқонларнинг талаб ва истакларига қаратиш лозимлигини ўқтирди.

Кумқурган тумани ҳокими билан учрашув чоғида эса Юртбошимиз эътиборни жойлардаги жамоат ташкилотларининг фаолиятини янада такомиллаштириш, ёшлар билан ишлашни замон талаблари асосида йўлга қўйиш лозимлигига қаратди.

Давлатимиз раҳбари Термиз шаҳрида бунёд этилаётган «Алпомиш» спорт мажмуи билан ҳам таниш-

ди. Теннис кортлари, сув ҳавзаси ва бошқа спорт иншоотларидан иборат бу мажмуани одамларнинг ҳақиқий дам олиш масканига айлантириш лозимлигини таъкидлади.

Сурхондарё вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган йилги Президент Ислоом Каримов вилоят аҳли, турли даражадаги раҳбарлар олдида турган долзарб вазифалар галла урим-йигimini уюшқоқлик билан ва қисқа муддатларда утказиш, такрорий экинлар экишни жадаллаштиришдан иборат эканлигини ўқтирди. Шу билан бирга, маънавий-маърифий соҳадаги ишларни жонлантириш, айниқса турли диний-экстремистик оқимларга қарши курашни кучайтириш, кадрлар тайёрлаш борасидаги ислохотлар қўламини кенгайтириш ҳам муҳим вазифалардан эканлигини қайд этди.

Шу куни Президент Ислоом Каримов Қашқадарё вилоятига келди. Давлатимиз раҳбарини Қарши аэропортида вилоят ҳокими Ш.Бегматов кутиб олди.

Беход УСМОНОВ,  
Чори ТУХТАЕВ,  
ЎЗА МАХСУС МУХБИРЛАРИ.

## ОЛМАЛИҚ ТОҒ-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ ЖАМОАСИГА

Азиз дуслар!  
Олмалик тоғ-металлургия комбинати ташкил топган кунининг 50 йиллиги муносабати билан шонли жамоангизни сизқидилдан муборакбод этаман.

Ўтган йиллар мобайнида комбинат рудаларини ер остидан қазиб олувчи конларни, бойитиш фабрикаларини, металлургия заводларини, катта-катта энергетика ва транспорт тизимларини, ижтимоий соҳа объектларини бирлаштирувчи ноёб sanoat комплекси сифатида шаклланди.

Комбинат 4 миллион тоннадан кўпроқ тозаланган мис, 2,7 миллион тонна металл рух, 1,4 миллион тонна қўроғини концентрати, 21 миллион тонна олтин-гургурт кислотаси ишлаб чиқарди.

Мамлакатимиз мустақиллиги йилларида комбинат узининг янги куч-қудратига эришди. Бу ерда ишлаб турган корхоналарнинг қувватлари узлуксиз оширилиб, ишлаб чиқариш техникаси ва технологияси такомиллаштириб борилди. Бу эса тозаланган мис ишлаб чиқаришни 2,8 баравар, мис рудасини қайта ишлаш ҳажмини икки баравар кўпайтириш имконини берди.

Мис эритиш заводиди соф олтин ва қумуш ёмбилларини ишлаб чиқариш цехларини барпо этиш ҳамда уларни ишга тушириш топшириги жуда қисқа муддатларда бажарилди.

Жаҳон амалиётида илк бор бир йил мобайнида битта корхонанинг икки хил маҳсулотини Лондондаги олтин ва қимматбаҳо металл биржасининг сифат белгисига сазовор бўлди.

Гоят юксак баҳога муносиб булган ана шу ютуқлар сизларнинг фидокорона меҳнатингиз, касб маҳоратингиз ва ишга нисбатан ижодий муносабатингиз, бунёдкорликка ва доимий камолотга интилишингиз натижасидир.

Ишончим комилки, комбинат ишлаб турган бутун давр мобайнида биронта ҳам миллатлараро ва шунга ўхшаш эдидиятлар булмаган, 35 тадан зиёд миллат вакиллари қўлни қўлга бериб меҳнат қилаётган корхонанинг кўпмиллатли жамоаси бундан буён ҳам жипслик, узаро тотувлик ва бир-бирига нисбатан иззат-ҳурмат намунаси бўлиб хизмат қила беради.

Бир нарсага ишончингиз комил бўлсин — Ўзбекистон раҳбарияти, ҳукумати ва халқ ҳаммаси ўзини азиз булган Ўзбекистонимизнинг равнақи йўлидаги фидокорона меҳнатингизни бундан буён ҳам юксак қадрлайдилар.

Барчангизга ва оилаларингизга сийҳат-саломатлик ва омон-эсонлик, машаққатли ҳамда олжаноб меҳнатингизда улкан ижодий муваффақиятлар тилайман.

Ислоом КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

## ОЗОД ЮРТ ҒАЛЛАСИ

Бугунгача мамлакатимизда қарийб 270 минг гектардан зиёд майдондаги галла ўриб олинди. Ҳар гектар майдондан олинган ҳосил 31 центнердан ошиб тушаяпти. Шу кунгача уйилган хирмон қарийб 1 миллион тоннага яқинлашди.

## САТТОР ОТАНИНГ ҒУРУРИ

Губдин тоғ этаклари тилларанг тусга кирди. Далалар қир-адирларнинг беозор расми таъсирида киши дилига ўзгача ифтихор бағишлаб товланмоқда. Саттор отанинг қалб қури, юрак тафти ва меҳри билан етиштирган галла бирдек чайқалаётганлиги, омонликдан дарак бераётгандек. Бугун-эрта майдонларда комбайнлар наъра тортиб урим-йигимга киришади.

Отаннинг бу йилги ниятлари ниҳоятда катта. Азалдан қўлга кетмон ушлаб асл деҳқон сифатида танилган оқсоқолнинг эътирофига, ҳали умри бино бўлиб бугдой бу қадар мўл ҳосил бермаган экан. Дарҳақиқат, 6 гектар ерда парвариш қилинган галлани қуриб, кўзингиз қувнайди. Бу далалар гўё мудом уйқоқдек «Улугбек-600» навли бугдойнинг бошоқлари булқилги яққол сезилиб турибди.

— Ҳосил муллагини қуриб қувонганимдан бир даста дон бошогини

юртбошимизга жунатдим, — дейди Пайариқ, туманидаги «Чураш» хўжалиги галлачилик оилавий пудрати бошлиги Саттор Абдуганиев. — Узимизнинг донимиз — узимизнинг номимиз. Мана, узингиз қаранг, ҳар бир бош мисқолдек. Насиб бўлса, гектаридан 80-85 центнер галла топширишни қўзлаяпман. Бунинг учун кеч қуздан бошлаб қаттиқ меҳнат қилдик. Фарзандлар, неваралар галлани экиш, суғориш, уғитлаш, ишлов бериш, утдан тозалашда ёрдам курсатди. Илгари фақат пахта экардик. Мустақилликка эришдигу галла нима эканлигини билдик. Мақсадим — хўжаликдагина эмас, туманда голибликни эгаллаш, истиқлолимизнинг 8 йиллик байрамига муносиб совға тайёрлаш.

Ҳамза ШУКУРОВ,  
ЎЗА МУХБИРИ.

Суратда: Саттор ота даллада.

## ҚҮРИҚ ТУМАН ҚУМУШ ТОЛАСИ

Элликқалъа тумани ҳокими Н. Худойбергандон кунчи кеча хушxabар олди. Унда, жумладан шундай дейилди:

«Қуриқ туманимиз пиллакорлари астойдил меҳнат қилиб шартномани ортиги билан уринладилар. Давлат омиборларига 112,2 тоннадан зиёд қумуш тола етказиб берилди. Бу муваффақиятга барча фермер хўжаликлари уюшмалари муносиб ҳисса қўшдилар.

## ЯНГИ ҲОСИЛ ҚАЙТА ИШЛАНМОҚДА

Амударё тумани пиллакорлари шартномадаги режани бажардилар. Қумуш тола ижодкорлари тайёрлов идораларига 170 тоннадан ортиқ сифатли хом ашё етказиб бердилар. Амударёликлар шу йилдан бошлаб етиштирилган пилланинг ҳаммасини туманда қайта ишлашга киришдилар. Бунинг учун зарур булган асбоб-ускуналар олиб келиб урнатилди.

Г. МАТЎҚУБОВА.



## ИҚТИСОДИЙ ЭРКИНЛИК

СИДҚИДИЛ ИШЛАБ, БАДАВЛАТ  
БЎЛИШИМИЗГА ЯРАТИЛГАН ИМКОНИЯТДИР

Вазифа тақозоси билан тез-тез отарларга чиқаман, дала айланаман. Чўпон-чўлик, деҳқонлар билан суҳбатлашаман. Уларнинг уй-фикрлари билан қизиқаман. Яқин-яқингача мулкчиликнинг янги шаклига ўтишимизда қўллар бир хил савол билан мурожаат этишар эди. «Хўп, қишлоқ хўжалик кооперативига ўтсак бизга қандай афзаллиги бори-деб сурашарди. Шунда мен ислохотлардан қузилган мақсад деҳқон ва чорвадорни мулк эгаси қилиш эканини батафсил тўшунтирар эдим.

Мана энди ширкат аъзолари унинг моҳиятини тўшуниб етдилар. Ҳозир улар саволлар урнига, амалий тахлиф, ташаббуслар курсатиб мурожаат этишяпти. Чунки энди улар, пай аъзоси мулк эгаси. Қанча яхши ишласа, ҳам харажат сарфлаб, мўлмай даромад олишга уларга экандини тўшуняпти. Асосий одамларда ислохотларга ишонч, эртанги кунга умид мустаҳкамланди.

(Давоми 2-бетда)

Яқинда Президентимиз Ислоом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI асрга интилоқ» китобларини яна бир бор ўқиб чиқдим. Олдинги таасуротларим бойиди. Унда айниқса келгусида амалга оширишимиз лозим булган вазифалар аниқ равшан курсатиб берилганлиги гоят аҳамиятлидир. Асар ҳаммамиз учун дастурий-амалдор.

Узим хўжалик раҳбари бўлганим учун иқтисодий соҳасига тегишли бошларни қайта-қайта синчилаб ўқидим. Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий эркинликлари, ҳусусий мулк мисқолларини кенгайтириш, мулкдорларнинг маъвкени ва ҳуқуқлари ҳақида хўжалигимиз мисолида мулоҳаза юритдим.

Хўжалик юритувчи субъектларга берилган эркинлик бошқалар қатори бизнинг ҳам иқтисодимиз мустаҳкамланишига йўл очди. Қишлоқ хўжалик кооперативимиз бўлича 1999

## ОИПА ПУДРАТИ ҚЎП КЕЛМОҚДА

Шаҳрисабз туманидаги Амир Темур номли  
хўжалик раҳбари Алимурод Тиловов ҳикоя қилади:

Инсон матонати ҳар нарсадан қўчи. У ниятимга етай, қўзлаган ишим охирига етсин, деб не-не машаққатлар олдида ҳам узини йўқот-май а й д и.

Уларни мардона энгишга ҳаракат қилади. Хўжалигимиз аъзоларининг ишига сардоқатини қуриб беихтиёр шуларни уйлайман. Ўтган йилги табиат инжиқликларини мардонавор энган деҳқонларимиз гуза парваришлар гектаридан 32 центнердан юқори навли ҳосил етиштиришди. Давлатга пахта сотиш режасини туманда биринчилар қаторида ошириб бажардик. Соҳадан қарийб 5 миллион сум соф фойда олишга эришдик.

Бу муваффақиятга

қандай эришдик? Биринчидан, пудрат асосида ишлаганлигимиз бўлди. Иккинчиси пудратчилар зиммасидаги масъулиятни ҳис этиб гуза парваришларда эътиборни кучайтирганликларидир. Бунда янги, самарали технологияларга амал қилдик.

Хурматли Президентимиз Исроил давлатига борганларида у ердаги пахта етиштириш технологияси билан қизиқиб, 60-70 центнердан ҳосил етиштириш тажрибасини республикамиз хўжаликлариди ҳам жорий қилишни тавсия этдилар. Мустафо Ражабов, Жамол Жовлиев бошлиқ бригадалар деҳқонлари Исроил давлатидан

## БАЛИҚЧИЛИК НЕГА ОҚСАЯПТИ?

Узунда балиқчилик хўжалиги бор. Уни Сурхондарёда ягона хўжалик дейиш мумкин. Негаки, Термиздаги балиқчилик хўжалиги туғатилганига анча бўлди.

Мақсадга утадиган бўлсак, Узундаги балиқчилик хўжалиги Меҳнат Қаҳрамон, марҳум Бобомурод Омоновнинг ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан саксонинчи йилларнинг бошларида Коратог ва Тупаланг дарёлари билан бирлашадиган ҳамда Сурхон дарёсининг бошланги жойида ташкил этилган эди. Даставвал у ерда ёрдамчи хўжалик сифатида балиқ етиштиришди. 1987 йилга келиб Термиз балиқчилик хўжалигининг бир тармоғига айланди. 1991 йилгача унинг тасарруфиди бўлди.

Умумий майдони 177,5 гектар булган ва учта катта

қул ҳамда бир неча кичик ховузалардан иборат бу хўжалик балиқ етиштиришни 120 тоннадан 320 тоннага етказди. Ушбу натижа 1992 йилда қайд этилди.

Аммо кейинги йилларда хўжаликда орқага қайтиш бошланди. Сотувга чиқарилган йиллик балиқ миқдори 40-46 тоннадан ошмади. 1998 йилда эса бу курсаткич 26 тоннани ташкил этди.

Хўш, нега ахвол шу даражага келди. Бунга сабаб нима? Ахир қўллар жойида турган бўлса? Сувадан қийналишмаса, балиқ етиштириш ҳадисини олган касбига фидойи тажрибали мутахассислар меҳнат қилишса...

Ғапнинг индаллосини айтсак, ҳаммаси раҳбарликка келиб тақалади.

Умумий майдони 177,5 гектар булган ва учта катта

## КҮР ҲАССАСИНИ БИР МАРТА ЙЎҚОТАДИ

Ислоом динини ниқоб қилиб олиб ўз гояларини илгари сурадиган диний ақидапарастлар қайси мамлакатда бўлмасин, қувинга учраб, халқ нафратига дучор булган. Чунки бундай диний экстремистлар ҳаракати замирида диннинг ўзига, илм ва маърифатга, халқ ва Ватанга хиёнат ётибди. Бундай ҳаракатлар вакилларида ҳалоллик, тўрилик, эътиқаддан заррача ном нишон йўқ. Улар ислом динига мойиллиги бор, аммо бу соҳада саводи йўқ кимсаларни тезда қўлга олиб, эътиқодсизлигидан устамонлик билан фойдаланиб, ўз домини тортиши билан ҳам ўта хавфлидир.

Ватанга, мустақил юртвага эътиқод қилмай манфур гоялар асирига айланганлардан айримлари қора курсида ўтирибди. Уларнинг қўпи бугун пушаймонда. Аммо энди кеч...

Диний экстремист оқимлар аъзоларига нисбатан вилоят прокуратураси билан биргаликда ўн бешта жиноят иш кузгатилган эди. Шуларнинг ярмидан қўпи буйича суд ҳукмлари ўқилди. Мана улардан айримлари:

Мамат Яминов олий маълумотга эга бўлиб, қўлга педагогик дипломини олганида умидлари бошқача эди. Ёшларга билим беришга бел боғлаганди. Аммо афсуски у иродасиз, эътиқодни бўш кимсалардан экан Минбулок туманидаги Мулкобод

қилмоғида яшаб келиб, «Шоҳи Жалил» масжидига 1990 йилдан 1996 йилгача имомлик қилган. Маңичта мусулмончилик фарзларини адо этишга келадиган пок ниятли ёшларга, маҳаллий аҳолига «вахобийлик» диний оқимини тарғибот қила бошлади. Хушёр одамлар уни тўғри йўлга бошласалар қўлқотмади. Ушбу йилдан қайтмади. Янги ислом партиясини тўзимиз деган нақрибларга бош-қош бўлди.

Конституция асосида қонуний сайланган Республика Президенти ва Парламент

(Давоми 3-бетда)

КЕЛГУСИ  
СОНДА:

Деҳқон орзиқиб кутган  
кун келди

Бир юз тўрт ёшли онахон  
билан суҳбат

Оқибатли  
бўлайлик







# ЭЛЕКТР ҲАҚИНИ ҚАЧОН ТЎЛАЙСИЗ?

Жорий йилнинг беш ойида Наманган вилоятида 106 минг 37 та хонадон соҳиблари ёқилган электр энергия учун ҳақини тўламаган. Оқибатда улар электр тармоқлари қорхоналаридан 86 миллион 433 минг 148 сўм қарздор бўлиб қолган...

Электр энергияси қанчалик тегишсизлигининг қон томирларидан бири ҳисобланади. Вилоят энергетика тизими халқ ҳужалиги ва аҳолининг электр энергиясига бўлган эҳтиёжларини тула қондирмоқда. Лойиҳалаш, қуриш, монтаж, сошлаш, таъмирлаш ва ишлатиш ташкилотлари энергетика тизимини ишончли ишлатишни ва истиқбол тараққиётини таъминламоқда. Электр таъминотининг сифати ва пухталиги тубдан яхшиланиб бормоқда.

Мамлакатимизда истеъмолчиларнинг электр энергияси билан таъмирлаш, электр узатиш линияларини муҳофазалаш йўналишида ишлаш энг ривож топаяпти. Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 29 июлда қабул қилган «1998-2000 йиллар даврида Наманган вилоятида бозор исохлоқларини чуқурлаштириш ва вилоятини иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги қарориди ушбу соҳадаги вазифалар ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Шунга асосан жорий йилда 145 миллион сўм сармоини узлаштириш, 107,5 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажариш, 290 миллион сўм миқдорда асосий фондларни узлаштириш режалаштирилган. Ундан ташқари Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 15 январдаги «Фаргона нефтини қайта ишлаш заводи — Ангрен нефть маҳсулотларини узатиш тармоғи қурилиш-монтаж ишларини бажариш тўғрисида»ги қарорининг энергетика тизимига боғлиқ талабларини бажариш буйича аниқ-рав-

шан ишлар амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг беш ойида сармоининг узлаштириш режаси бир юз

## Долзарб мавзу

туккиз фоизга, қурилиш-монтаж ишлари режаси эса бир юз йигирма уч фоизга уддаланди. Косонсой туманидаги «Текмен» фабрикасини электр энергияси билан таъминлаш мақсадида қуввати 10 миң КВ трансформатор қуввати 16 миң КВ янги трансформаторга алмаштирилди. Умумий қиймати икки миллион икки юз миң сўмлик электр қурилмаларини сошлаш ишлари бажарилди. Шу туманда электр тармоқларида тармоқ трансформаторларини таъмирлашдан цех ишга туширилди. Натижада қушимча унлаб ишчи уринлари яратилди.

Ҳамма турдаги электр қурилмалари ва тармоқларида утган йилнинг шу даврига нисбатан бир неча миллион сўмликдан ортироқ капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Маълумки, ҳаво электр узатиш тармоқларини муҳофазат қилиш қондаларига тула туқис риюз этилишини таъминлаш гоят муҳим. Шу нуқтага назардан айрим жойларда, миң вольтли ва ундан юқори қувватли ҳаво линияларини муҳофазат қилиш ишларини ўй-жой бериш ҳоллари учраб турганлиги таъшилади. Бунга чек қўйиш учун жойларда мунтазам текширишлар ўтказилиб қонда бузган ўрқидик ва жисмоний шахсларга нисбатан қонуний жазо чоралари қўрилмоқда.

Чуст тумани ҳудудидидаги «Каркидон» жамоа ҳужалиги раҳбарларининг масъулиятсизлиги оқибатиди юқори қувватли ҳаво муҳофазат ишлари бажариш буйича аниқ-рав-

либ қолмоқда. Айрим истеъмолчиларнинг эса парвоий палак. Электр ҳақини қачон тўлаёйсиз, қарзингизни қачон ўзасиз деган қайта-қайта муурожаатларимиз жаъобсиз қолаётди. Айниқса вилоят ҳудудий қонмунал хизмат қуратиш бошқармаси, «Пахтаसानотсотиш» бирлашмаси, кишлоқ ва сув ҳужалиги вазириги тизимиди қорхона ва ҳужалиқлар, енгил саноят асоциациясини қорхоналарининг қарзлар миқдори қўлайиб бораётгани таъшилади.

Айрим ҳолларда истеъмолчиларнинг қарзларини қайтариш мақсадида уларнинг электр қурилмаларини тармоқдан қўриш чораси ҳам қўрилмоқда. Утган беш ойда 4 миң 283 та қарзи бор истеъмолчиларга шундай чоралар қўрилди. Дебитор қарзларни қайтариш учун қорхона ҳуқуқшунос ва жойлардаги масъул ҳодимлар томонидан даъво ишлар юритилиб 352 та ташкилот ва қорхоналарга талабномалар юборилди. Бир неча марта электр қурилмаларини тармоқдан учиртишга, эътирознома хатлар жўнатишимизга қарамасдан қарзларини тўламаётган 6 та ашаддий қарздор истеъмолчилар ҳужалиқ судига берилди.

Аслида бундай чораларга ўрин қолмаслиги лозим. Бозор иқтисоди шароитида огиримизни енгил қилаётган электр энергиясини тежамли фойдаланишимиз зарур. Боқиманда бўлиб қолмайлди. Электр ҳақини ўз вақтида тўлашга одатланайлик. Қорхона-ташкilotлар раҳбарлари, барча истеъмолчилар бунга турги тушунадилар, деб ўйлаймиз. Чунки дебитор қарзларни қайтариш иқтисодий исохлоқларнинг бош талабидир.

Баҳодир МИРЗАЖОНОВ,  
Наманган вилоят электр тармоқлари қорхонаси бошлиғи.

## Хуш хабарлар ЎГИТ СЕПАДИГАН ЯНГИ МОСЛАМА

Усмон Юсупов туман машина-трактор паркнинг муҳандис ва чилангарлари Алишер Нийёзулов, Эшдавлат Дониёров, Ҳайтоб Ҳамроев ва Шариф Қороевдан заторлар гуруҳи ўғит сепадиган янги мослама ясадилар. Дикқатга сазовор томони шундаки, янги машина ҳисобдан чиқарилган эски пахта териш машинасининг рамаси, трактори ва деталларидан фойдаланилган ҳолдагина йигилди. Машина бункери қатта, унга 3 тонна маҳаллий, 6 тонна минерал ўғит сиғиди. Ўғит бункер тубига ўрнатилган транспорт орқали раманинг орқа томониди қурувларга тушади ва бир йўла беш қарор гўза орасига сепадилади. Янги машина қунига олти гектаргача майдонни ўғитлаш мумкин.

Тажрибали муҳандис Мамадали Бегалиев бункер ўрнига махсус сизимларни ўрнатиш ва машинада гўза дефолиациясида фойдаланиш таклиф этди. Таклифда жон бон: дори пурқаш мосламалари машинанинг орқасида, кабина унинг олд томониди жойлашган боис кимёвий моддалар механизатор соғлиғига зарар етказмайди.

М. ТОШБОЛТАЕВ.

## УЛКАН СУВ ОМБОРИ ҚУРИЛАДИ

Хатирчи туманидаги Қўқсарой қирлари, Оқтоғ адоғига тирмашган ясси тепалиқлар аслар давонида сувга зор эди. Бу ерлар фақат чўпон-чўлқиларнинг қўй-қўзилари боқилдиган яйлос сифатида фойдаланиларди. Пахтачиликни ривожлантириш бахонасида бундан 15 йил муқаддам сув ombори барпо этишга киришилган, бироқ қуришга чала қолган эди.

Навоий вилоят ҳокимлигининг ташаббуси билан Қўқсарой сув ombори бунёд этиш қайта бошланди. Самарқанд давлат лойиҳалаш институти ўшбу қурилишнинг лойиҳасини тайёрлади. Унга кура эндиликда 11 миллион куб метр сизимга эга бўлган сув ombори қурилади. Ишшоот ишга туширилгач, Қўқсарой қирларидан тортиб то Полвонтош адирларига, у ёғи Зарафшоннинг ўнг суғи қирларига булган 1,5 миң гектар ерни узлаштириш имкони яратилади.

(ЎЗА).

ДУШАНБА, 21

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.40 «Тадқилонома»

8.40 «Ўзбектеlevision» намоиш этади. «Амир Темур дурдоналари», «Шарк зарчасмаси».

9.15 «Узлик».

9.40 «Кўй ва тасвир».

Болаларнинг ўзги таътил кунларида:

10.05 «Шуткалар». Мультсериял.

10.35 Қўндағи санас.

12.05 «Олтин тоғ». Телевизион уйин.

12.25 «Қушқика қучғи саатлари». А.Пуллатов.

13.00 «Самга сабақ».

13.20 «Отлар сузи» ақлнинг қунилотилди.

14.10 Футбол.

18.10 «Арадаш».

18.25 Болалар учун.

18.45 «Оқдан дарё оқсаери».

19.05 «Музоанат».

19.30 «Айборт» (рус тилида).

20.00 Биржа ва банк хабарлари.

20.10 Оқшом эрталари.

20.30 «Айборт».

21.05 «Муҳаббатни қўлайман».

21.35 «Футбол қондаларида».

21.50 «Қўқой мақомидининг сув ости сарғулашлари». Телевизион. 57-қисм.

22.40 «Манаъият» дастури.

23.40 «Айборт».

00.10-00.15 Ватан тисоллари.

ЎзТВ II

18.05 «Янги авлод» студияси намоиш этади.

18.40 «Аёл ыйдамас».

18.55 «Муслиқ лаҳза».

19.00 «Дар» Айборт дастури.

19.30 «Ешлар» телеканалда.

19.35 «О. ышлгим».

20.00 «Рей Брэдбери театри». Телевизион.

20.25 «Жаҳон». Халқаро шарҳ.

20.45 «Сурур». Муслиқ дастури.

21.00 «Дар» Айборт дастури.

21.30 «Душанада қуришқун».

21.50 «Маслаҳат».

22.40 Оқшом футболи.

22.50 «Шарк эстрадаси».

23.00 Синема.

01.00 «Хайри тун».

## Ойнаи жаҳонда

СЕШАНБА, 22

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.30 «Айборт».

8.30 Республика газеталарининг шарҳи.

19.55 «Дил рози». Муслиқ дастури.

20.00 «Спорт-лото».

20.10 «Лаззат».

20.35 «Осиёнигалик фидойилари».

20.50 «Католог».

21.00 «Дар». Айборт дастури.

21.30 «Ешлар» телеканалда.

21.35 Риводлар қанотида.

21.55 «Манаъият ва тақлими».

22.10 Танишинг: Қўдаст Дакимов.

22.25 Синема «Есолия».

00.20 «Хит коллекция».

00.40 «Хайри тун».

ЎзТВ II

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.30 «Айборт».

8.30 Республика газеталарининг шарҳи.

18.10 «Ха.Ха. Ха...» Ҳазил, Ҳажо, Хитом.

18.30 «Соғин ва назорат».

18.50 «Эркин қўйлар».

19.00 «Хидоят сарни».

19.30 «Айборт» (рус тилида).

19.55 «Юзма-юз».

20.10 Оқшом эрталари.

20.30 «Айборт».

21.05 «Мен нечун севман Ўзбекистонни». Публицистик қўрасув.

21.40 «Назм ва наво». Амийр лирикаси.

22.20 Алл Жамол. «Тойчоқ». Видефильм. 3-қисм.

23.00 «Сомон йўли».

23.30 «Айборт».

24.00 «Колонна». Бадий фильм 1-серия.

01.05-01.10 Ватан тисоллари.

ЎзТВ II

18.05 «Қусти қомандсининг сув ости сарғулашлари». Телевизион. 58-қисм.

18.55 «Муслиқ лаҳза».

ГАРШАНБА, 24

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.30 «Айборт».

8.30 Республика газеталарининг шарҳи.

8.45 «Қушқик билан қурман оламни». Муслиқ дастури.

9.10 «Қўқой қомандсининг сув ости сарғулашлари». Телевизион. 58-қисм.

10.05 «Жавононлар ҳазинаси». Укуе қўрасувлари.

10.30 Абитуриент-99. Ома тили.

10.55 Абитуриент-99. Математика.

Болаларнинг ўзги таътил кунларида:

11.15 «Шуткалар». Мультсериял.

11.30 «Қўқойлар давросида».

12.05 Қўндағи санас.

13.25 «Сайқал».

13.45 «Турни қилари».

14.10 «Ажаб саодат эрур».

14.35-15.00 «Ишон ва замин». Тележурнал.

18.10 «Ха.Ха. Ха...» Ҳазил, Ҳажо, Хитом.

18.30 «Соғин ва назорат».

18.50 «Эркин қўйлар».

19.00 «Хидоят сарни».

19.30 «Айборт» (рус тилида).

19.55 «Юзма-юз».

20.10 Оқшом эрталари.

20.30 «Айборт».

21.05 «Мен нечун севман Ўзбекистонни». Публицистик қўрасув.

21.40 «Назм ва наво». Амийр лирикаси.

22.20 Алл Жамол. «Тойчоқ». Видефильм. 3-қисм.

23.00 «Сомон йўли».

23.30 «Айборт».

24.00 «Колонна». Бадий фильм 1-серия.

01.05-01.10 Ватан тисоллари.

ЎзТВ II

18.05 «Қусти қомандсининг сув ости сарғулашлари». Телевизион. 58-қисм.

18.55 «Муслиқ лаҳза».

21-27

Июнь

00.55-01.00 Ватан тисоллари.

ЎзТВ I

9.00 «Янги авлод» студияси намоиш этади.

9.50 «Қўқой қомандсининг сув ости сарғулашлари». Телевизион. 57-қисм.

10.35 «Ешлар» телеканалда.

10.40 «Сурур». Муслиқ дастури.

10.55 «Манаъият».

11.15 «Ўзбек мўзот шеърятидан».

11.20 «Ракурс».

11.40 «Рей Брэдбери театри». Телевизион.

12.05 «Маслаҳат».

12.35 Сиз севган хонанда: Равшан Қомиллов.

12.50 «Эркин фикр».

13.20 «Раъзана». Телевизион.

13.55 «Бахр».

14.20 Рақслар қанотида.

14.40 «Тарзани». Телевизион.

15.20 «Саломат бўлинг».

16.00 «Эски альбомдан».

16.15 «Манаъият қорчалар».

16.30 Синема.

17.40 «Санинг вақтинг».

18.00 «Янги авлод» студияси намоиш этади.

18.20 «Эски альбомдан».

18.25 Кинохитлар.

18.45 «Ўзбек мўзот шеърятидан».

18.50 «Муслиқ лаҳза».

19.00 «Дар». Айборт дастури.

19.30 «Ешлар» телеканалда.

19.35 «Манаъият».

19.55 «Раъзана». Телевизион.

20.35 «Бизнинг академия».

20.55 «Муслиқ лаҳза».

21.00 «Дар». Айборт дастури.

21.30 «Истиклолни қўлайман».

21.35 «Ешлар» телеканалда.

21.40 «Муслиқ лаҳза».

22.00 «Бахр, мунозара, тақлид». Халқаро гивёҳандликка қарши кураш кўниги.

22.25 «Эски альбомдан».

22.30 «Қўқойлар мекони».

22.55 «Ер ички». Муслиқ дастури.

23.15 Синема «К-9» қомандаси.

01.00 Шарк тароналари.

01.20 «Хайри тун».

## ЯҚШАНБА, 27

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва оммавий ахборот воситалари қўниги

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.30 «Айборт».

8.30 «Камилла».

8.50 Еш қондалар концертлари.

9.15 «Ғаройиб».

9.30 «Бўстон». Тележурнал.

«Умид» намоиш этади.

10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».

11.00 «Талабалиқ йилларим».

11.20 «Езуви ва замон».

11.40 «Муслиқ лаҳза».

12.20 «Шоҳруҳ клуби».

12.50 «Эл тинчилиги йўлида».

13.15 «Мозидан бир мўзика».

13.30 «Келин-қиз».

14.40 «Сузга сиғинган умрлар».

15.00 «Қўқойлар».

15.40 «Фермер». Тележанр.

17.55 Қўрасувлар тартиби.

18.00 «Олтин тоғ». Телевизион уйин.

18.20 «Ойла». Тележурнал.

18.40 Эстрада тароналари.

18.55 «Узлик». Бадий-публицистик қўрасув.

19.30 «Тадқилонома» (рус тилида).

19.55 «Санинг олами».

20.30 «Тадқилонома».

21.15 Матбуот ва оммавий ахборот воситалари қўниги бағишланган концерт.

22.00 Туртиқчи ҳокимият».

«Аср мўзикаси». Кинодастури.

22.45 Кино англиялари.

23.00 «Ўзбек киноси иходкорлари».

23.20 «ТВ-1 намоиш этади». Телевизион.

23.35 «Қўрасувлар тайёулаш машаққатлари». Бадий фильм.

01.15-01.20 Ватан тисоллари.

ЎзТВ II

9.00 «Янги авлод» студияси намоиш этади.

9.40 «Янги авлод» студияси намоиш этади.

10.30 «Бизнинг академия».

10.50 «Муслиқ лаҳза».

11.05 «Инглиз тили сиз учун».

11.30 «Ешлар» телеканалда.

11.35 «Қўқой қомандсининг сув ости сарғулашлари».

12.25 «Кўнгли навалари».

12.30 «Рей Брэдбери театри». Телевизион.

13.00 «Лаззат».

13.20 «Остонада озулар».

13.40 «Алло Раҳимов қўлайди».

13.55 «Синдиш».

14.15 «Раъзана». Телевизион.

14.50 «Манаъият».

15.10 «Муслиқ лаҳза».

15.15 «Цирк, цирк, цирк».

15.35 «Қўқойлар».

16.00 «Ўзбек киноси қанотлари».

16.20 Синема.

17.40 Хит-коллекция».

18.00 «Янги авлод» студияси намоиш этади («Уз вақфини»).

18.20 «Замон билан ҳаммафас». Савдо ходимлари кўниги.

18.35 «Сўн» Буюк Ипақ йўлларида.

19.00 «Дар». Айборт дастури.

19.30 Ешлар қанотида «Дунёга йўл».

19.55 «Раъзана». Телевизион.

20.35 «Дўноғ қафта ички».

20.55 «Католог».

21.00 «Дар». Айборт дастури.

21.30 «Истиклолни қўлайман».

21.35 «Ешлар» телеканалда.

21.40 «Бахр».

22.30 «Муслиқ дастури».

22.55 «Санинг вақфини».

00.25 «Тоғ юдўзи».



Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

## КўР ҲАССАСИНИ БИР МАРТА ЙЎҚОТАДИ

Бошқарувиға қарши чиқиб ислом давлати қуришни, тузумни конституция ва қонунлар асосида эмас, шарият қонунларига таянган ҳолда бошқарушни тарғиб қилди. Унинг уйдан қонуний равишда чоп этилган икита «Давлат» варақаси, битта «Ал-Ваъй» китоби топилди.

Эссиз маълумот, эссиз оила, эссиз олти нафар фарзанд. Ахир эртага бу фарзандлар тарбияси ва уларнинг келажаги нима бўлади?

Яқинда Мамат Яминов суд ҳукми билан бир ярим йилга озодликдан маҳрум этилди.

Мингбулоқ тумани «Истикбол» ширкат ҳужалигида электр монтер бўлиб ишловчи Одилов Тошбев ҳам жоҳиллар қутқусига учиб, «Ваҳобийлик» оқимиға кириб жиноятчи айланди. Ўзбекистон Республикасининг давлат тузумини Конституцияға хилоф равишда узгартиришға, ҳокимиятни босиб олишға, қонуний тайинланган ҳокимият вакиллари куч ишлатиш йўли билан четлатишға қаратилган оқидан-очик даъват қилиб келган. Шундай маъмулдаги материалларни тарқатган. У яшаётган йўл тинтув қилинганда Исом уйғониш хизбирини нашо бўлган «Давлат» руномаси ва «Ра-

суллулоҳ айтадилар: жиҳод исломнинг устуни ва ён баланд чўққисидир» деб номланган варақалар топилди.

Суд маънуонослиқ экспертизасининг ҳулосасига кура топилган рунома ва варақалар дунё халқлари орасида узаро ниҳоқ тугдирувчи, мусылмон динига эътиқод қилувчи айрим кишиларни айниқса ешлари жиҳодга чақирувчи, узаро муносабатларни қон қуши билан ҳал этишға даъват қилувчи иборалар иборат.

Суд Одилов Тошбевни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 159-моддаси 1 қисми билан айбли деб топиб, уч йилга озодликдан маҳрум этди.

Гуртпеа қишлоқ фуқаролар йиғини Думса қишлоғида истиқбол қилувчи Патхидин Гозиев қариганда шайтоннинг йўлиға кирди. Оданлар пайғамбар вешига етишни орзу қилиб пок ният билан юридлар. У эса шу веша етганда жоҳиллик боқоғига ботди. Ақиданарастлар тузоғига илиниб эл олдиди шармандай шармисор бўлиб. Болаларни, неваралари олдиди золи ерга қаради, қора курсига утирди. «Ваҳобийлик» оқимиға кирди жиноят содир этди. Оданлар жиҳод қилишға чақирди. Исом республикаси қуришни тарғибот қилди. Турмуш уртоғи ва қизининг ҳижобига киргизди. Бошқа аёллар ҳам ҳижобда юри-

Азамат ИКРОМОВ, адлия қатта маслаҳатчиси.

## КУРРАИ ЗАМИНДА

● МАНИЛА. Филиппин ҳукумати Германия, Нидерландия ҳамда Франциядан келтирилаётган сут ва гўшт маҳсулотларининг мамлакатта киритилишини тақкилаб қўйган эди. Энди мамлакат раҳбариятининг бу қарори бекор қилинди.

Маълум бўлишича, мамлакатга озиқ-овқат экспорт қилаётган мазкур уч давлат вакиллари ҳукуматига маҳсулот сифатиға тегишли сертификатлар тақдим этган. Бу ҳужжатларда экспорт қилинаётган маҳсулотлар диоксин моддасидан бутунлай холи экани таъкидланган.

● ВИНДХУК. Конго Республикаси денгиз-пиёда қўшинлари собик бош вазираи Бернару Колеле тарafdори бўлган қўзғолончилардан 130 нафарини қатл этди. Маълумотларға қараганда, қўзғолончилар Конго дарёси орқали чегарани кесиб, ҳорижга қочиб кетмокчи бўлган.

● АР-РИЁД. Саудия Арабистонида 13 миңга ақин тиланчи ҳибсга олинди.

Мамлакат қонунларига биноан, тиланчилик қилиш расман ман этилмаган бўлишиға қарамай, ҳар йилнинг баҳор ва ёз ойларида тиланчиларни оммавий равишда ҳибсга олиш одат тусига кирган. Ҳуқуқтартибот органлари вакилларининг айтишича, бунинг иккита сабаби бор. Биринчидан, четдан келган тиланчилар подшоҳлик ҳудудиға кириб олиб, ҳаж сафарига келганларнинг қўнғилчанлиғидан фойдаланаётган бўлса, иккинчидан, тиланчиликдан келаётган фойда хаддан ташқари қўлайиб кетаёттир. Яъни шарият қонунларига биноан, тиланчининг қуниқ фойдаси бир оилани боқиш учун етарли бўлиши лозим. Аммо ўтказилган текширувлар ҳозирги қунда гадоиларнинг бир қуниқ «иш ҳақи» юзлаб АҚШ долларидан ошиб кетганини кўрсатди.

(ЎЗА).



ДУНЁДА БИР МАМЛАКАТ БОРКИ...

Тахририятимиз меҳмони — Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али.

Биринчи дақиқа: Анъанавий саволибизга сизнинг жавобингиз. — «Беш» рақами ҳақида айтувчи гапларга қўйилган...



Бешинчи қаватда беш дақиқа суҳбат

Кейинги пайларда «Бешинчи қават»да кишлоқнинг буйи кўрсатқичи таралган...

«Бешинчи қават»да ана шу кўрсатқичларга қўйилган...

пайиб кетди. Хўш, бунга сабаб нима? Биз шундай халқ эдикми? Асло... Лекин кейинги пайларда анчагина беларво қолдик...

Вилоятларда турли хил радио-телевидение уриб кетди. Биргина мисол водийда «Бодий овози» ташкил этилган...

Тўртинчи дақиқа: — Сақсий йиллик мустақиллик Муҳаммад Алига нима берди?...

Арабларнинг мана бу гаплари қаранг, маворуннаҳр — дарвиннинг орти. Йўқ, бу юртнинг уз номи бор... — Биз — Туронаминимиз...

Бир уйлаб кўринг, қайси бир узақ меҳмони кўради нон, туз билан кўтиб олади. Аксинча меҳмонга ҳурмат қўриғиб қўлига сув қўямиз...

Мана энди бағримиз очик. Шу буюм куқсимизга беамарид сояқ шомоллар урилмоқда...



Ўздор туманидаги «Озод» жамоа корхонаси резинка ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, ишлаб чиқарилаётган турларини кўпайтириш мақсадида яқинда...

ШАҲЗОДА ВА КАНИЗАК

Таниқли журналист ва адиб Исмоил Сулаймонов Халил Султон ва Шодимул урталаридаги ишқ-муҳаббат воқеалари асосида «Шаҳзода ва канизак» номли тарихий қисса ёзди.

Шоҳрух салтанатнинг гарбий чегараларида нотинчликдан безовта бўлиб, Халил Султонга сафарга отланиши орқага сурмаслиқни тайинлади...

Эндилликда Самарқанд тахти соҳиби бўлиши Шоҳрух жиғини Халил Султонни Рай мамлакатига кузатишдан олдин унга ўн минг отлик қўшин берди...

«Канизак» романида амакиси бўлиши подшоҳнинг бу сулуларини Халил Султон мизро ҳам чамаси шундай, деб тушунаётган...

Кўшиқ байрами Навоий шахридаги «Фарҳод» маданият саройида Ўзбекистон кўшиқ байрами кўрик-танловининг вилоят босқичи яқуллади...

Очигини айтганда амакиси бўлиши подшоҳнинг бу сулуларини Халил Султон мизро ҳам чамаси шундай, деб тушунаётган...

Шўрбодага газ келди Нуробод туманида аҳолини ичимлик сув, табиий газ билан таъминлаш...

«Шаҳзода» романида амакиси бўлиши подшоҳнинг бу сулуларини Халил Султон мизро ҳам чамаси шундай, деб тушунаётган...

Ўз-Ўзидан чиндан ҳам ҳалолманми, дея сўраган одамгина чинакам ҳалолдир Мўминларнинг иймонда қомилроғи — ҳулқи яхши бўлгани ва аёлларга яхши муомала қилганидир...

«Шаҳзода» романида амакиси бўлиши подшоҳнинг бу сулуларини Халил Султон мизро ҳам чамаси шундай, деб тушунаётган...

ЎЗ-ЎЗИДАН ЧИНДАН ҲАМ ҲАЛОЛМАНМИ, ДЕЯ СЎРАГАН ОДАМГИНА ЧИНАКАМ ҲАЛОЛДИР

Мўминларнинг иймонда қомилроғи — ҳулқи яхши бўлгани ва аёлларга яхши муомала қилганидир. Ёлгон гапирётганини сезсанг, озгинини юмишинг ҳар вақт ҳам кеч эмас.

Ўзилмаган нарсани ҳам англаб етиш. Кўпни билган эмас, керакни билган доно. Доимо хато қилишдан қўрқиб ҳаётда йўл қўйишингиз мумкин бўлган энг катта хатодир.

ЎҒИРИНИ...ГҒҮР ТУЗАТАДИМИ?

Жиззаз вилотида ИИБ тергов бўлими бош терговчиси, милиция подполковниги С. Серикбоев ҳикоя қилади: — Халқимизда «Бурқини гур тузатади» деган нақл бор...

да турувчи отини уғирлаб кетишади. Уша кеңаси улар яна 62-разведкага келиб шу ерда яшовчи Турдибек Саримқовнинг ховлисида боғлоглик турган бозор баҳосида...

Жинойтга жазо муқаррар

Жуманов ва Фахриддин Нафасовлар билан тил бириктириб мол уғирлаб жинойт содир этдилар. Уша кўни Абдулла Норбековнинг «УАЗ 467» маркали автомашинасидан фойдаланиб...

Текин лўқманинг таъминдан таънаси яйраб, чунтақлари капайиб қолган бу жиний гурӯҳ аъзолари уз фаолиятларини яна давом эттиришиб, шу йилнинг 3 февраль кўни тунда Холбиой Абдуллаев, Абдували Алматов, Уктам Хожибеков ва Хазрат Бердибековларнинг турт беш отини уғирлаб, уларни Самарқанд вилотидаги Булуғтур туманидаги Октепа бозорига олиб боришиб у ерда 170 минг сўмга сотиб юборишади...

ГАЗЕТХОН МУШОҲАДАСИГА



Сиз қандай изоҳлайсиз?

Ҳўжалик раҳбарлари, фермерлар, фуқаролар диққатига

МЕВА ДАНАГИ, ҚОВҮН УРУҒИ ТОПШИРСАНГИЗ ЁҒ, ШЕЛУҲА, ҚУНЖАРА, СОВҮН ОЛАСИЗ

«КҮКОН ЁҒ-МОЙ» ХИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ ҚОШИДАГИ ДАНАҚАНДА ҒОЛИШ ЗАВОДИНИ ТҮЛА ҚУВВАТ БИЛАН ИШЛАТИШ МАҚСАДИДА РЕСПУБЛИКАМИЗ ХУДАДИДАГИ БАРЧА ЁҒ-МОЙ ҚОРХОНАЛАРИДА МЕВА ДАНАКЛАРИ ВА УЗУМ, ҚОВҮН УРУҒЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТ МУАССИСЛАР — Ўзбекистон Кишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, «Ўзпахтасаноат-сотиш» уюшмаси, «Ўзевасабзавотузумсаноат-ҳолдинг» компанияси, Агрисаноат мажмуи ҳодимлари қасаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Тўрон» кўчаси, 41-ўй. «Кишлоқ ҳаёти» материалларини кўчириб босиш фақат тахририят рухсати билан амалга оширилади.